



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент жаноблари!

Менинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифим ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитида иштироким яқунлангани муносабати билан Хитой делегациясининг барча аъзолари номидан ва шахсан ўз номимдан Сиз, Президент жанобларига, Ҳукуматингизга ва Ўзбекистон халқига самимий меҳмондўстлик ва ташкил этилган тадбирлар учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистонда Сиз билан очик, батафсил ва сермаҳсул музокаралар олиб бордик, икки томонлама ҳамкорлик масалаларининг кенг доираси юзасидан ҳамда бизларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича фикр алмашдик ва яқдилликка эришдик.

Биз Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Қўшма баёнот имзоладик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очадиган, унга кучли суръат бағишлайдиган, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги даражага олиб чиқадиган Хитой — Ўзбекистон тақдирининг муштараклигини барпо этиш ҳақида эълон қилдик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити улкан муваффақият қозонди ҳамда Ташкилотнинг соғлом ва барқарор тараққиётига хизмат қилишда тарихий аҳамият касб этди. Хитой Ўзбекистоннинг самарали раислигини ва

Ташкилот ривожига қўшган муҳим ҳиссасини юксак қадрлайди. Биз Ўзбекистон ва бошқа аъзо давлатлар билан "Шанхай руҳи"ни фаол илгари суриш ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада кенг ривожланишига кўмаклашиш мақсадида Самарқанд саммитининг бирдамлигини рўйбга чиқаришга тайёрмиз.

Президент жаноблари, Сиз билан ўртамазда қарор топган конструктив амалий муносабатлар ва қалин дўстликни қадрлайман. Сиз билан бундан буён ҳам яқиндан мулоқот қилишга, икки томонлама кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан ўз вақтида ахборот алмашишга ҳамда халқларимиз фаровонлиги ва дўстлиги йўлида узлуксиз саъй-ҳаракат қилишга тайёрман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, рафиқамнинг З.М.Мирзиёева хонимга самимий салом ва энг эзгу тилакларини етказмоқчиман. Сизни рафиқангиз билан бирга ўзингиз учун қулай вақтда Хитойга ташриф билан келишга таклиф қиламан.

Сизга, Президент жаноблари, ҳамда З.М.Мирзиёева хонимга мустақам соғлиқ, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Дўст Ўзбекистонга раванқ, ўзбек халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман! Самимий хурмат билан,

**Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси
Раиси**

Пекин шаҳри

МУНОСАБАТ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бутун дунё нигоҳида бўлган ШХТнинг Самарқанд саммити "Йил воқеаси" сифатида юксак баҳоланмоқда. Аллоҳга шукрки, халқаро майдонда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим воқелик — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитига ҳамшиша навқирон замин муваффақиятлик мезбонлик қилди. Эътироф этиш жоизки, дунёдаги энг йирик минтақавий тузилманинг асосий анжумани — янги таклифлар муҳокамаси ва ташкилотнинг истиқболлини белгилаб оладиган халқаро йиғин саналади. Ана шундай нуфузли саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва жоғаролик кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан таҳдидлар кучайганини алоҳида таъкидлади.



ТАРИХИЙ САММИТ БАШАРИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Буюк неъматни асраш даврининг ўткир талаби

Тинчлик улуғ неъмат, инсон ҳаётининг бирламчи шарт. Чунки яхши турмуш, фаровонлик, эзгу мақсадлар рўёби, энг аввало, шу неъматга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан барча халқлар тинчликни асраш учун молию жони билан курашиб келган.

Бироқ бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари дин ниқоби остида ёшларни зуравонликка, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларни йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда радикал қарашларни тарқатаётгани ташвишланарли ҳолатдир.

Президентимиз бу масалага бугунги куннинг энг долзарб муаммоси сифатида қараб, шундай деди: "Радикализмнинг ўсиб бориши

хавfli тенденцияга айланмоқда. Ёшларнинг экстремистик ташкилотларга жалб этилишига йўл қўймаслик, турли носоғлом мафқураларга қарши барқарор иммунитетни шакллантириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб уйлаймиз".

▶ Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

САМАРҚАНД РУҲИ

ЭНДИ УЗОҚ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК, ОДАМЛАР ТУРМУШ
ФАРОВОНЛИГИГА ДАХЛДОР ЭЗГУ АМАЛЛАРГА КУЧ ВА ДАЛДА БЎЛАДИ



Ўтган ҳафта бутун дунё нигоҳи Ўзбекистонга қаратилди. Сабаби, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити боис, жаҳоннинг ўндан зиёд давлат раҳбарлари тарихдан цивилизациялар маркази саналмиш қадимий Самарқанд шаҳрида жам бўлди. Бу — бугунги глобал сиёсий-иқтисодий жараёнлар гирдобидидаги жуда катта ижобий воқеа.

Чунки таҳликали, синови ва ҳаммага ўз муаммолари етарлича бўлган бугунги даврда шунча мамлакат лидерларини бир жойга йиғишнинг ўзи бўлмайдди. Лекин Самарқандда шундай бўлди. Давлат раҳбарлари саммитда дўстона, самимий мулоқот қилди. Кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди. Қайсидир масала ёки муаммога шу ернинг ўзида ечим топилиши таъминланди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ШХТнинг Самарқанд

саммити энг юқори ташкилотчилик асосида ўтказилган муҳим ва йирик халқаро анжуман сифатида тарихда қоладиган бўлди. Аслида, саммит давомида маҳаллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар томонидан такрор-такрор айтилган "Самарқанд руҳи"нинг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда. Бинобарин, унда фақат мулоқотга эмас, амалий натижадорликка катта эътибор қаратилди.

▶ Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА ТАШКИЛОТНИНГ НУФУЗИ ВА САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛДИ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси, унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар халқаро ижтимоий-сиёсий ва таҳлил доиралари вакиллари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗЛИГИ

У ҚАЕРДАКИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА БЎЛСА, ЎША ЕРДА
ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚ ТОПАДИ

Сентябрь ойининг айна кунлари беихтиёр жуда яқин ўтмишдаги пахта терими билан боғлиқ хотираларни ёдга солади: муаллимдан тортиб шифокоргача, ишлаб чиқариш соҳаси ходимларидан тортиб вазирилик ва идоралар, бошқармалар масъулларигача, қўйинги, аграр тармоққа алоқаси бор-йўқ барча кўрпа-тўшак, иссиқ кийим, озиқ-овқат захирасини ғамларди. Роса 1-1,5 ой вақтимиз пахта терими билан кечарди...

▶ Давоми 5-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

ЁХУД УШБУ ТАРМОҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА БИР НАЗАР

Бугун нафақат шаҳарларимиз, балки чекка-чекка қишлоқ овулларимизда ҳам бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёймоқда. Қайсидир тумanning қайсидир қишлоғида замонавий турар жой, мактаб ёки бошқа объектлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилгани хусусидаги хабарларга кунда-кунора кўзимиз тушяпти, ўқиямиз, эшитяпти. Бу яхши, албатта. Бинобарин, бизгина объектнинг ишега туширилиши тўғрисида кимдир уйли, бошқаси ишли бўляпти, худудлар инфратузилмаси яхшиланиб, қиёфаси янада чирой очяпти.

Бу ҳақда гап кетганда, лойиҳалари аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларидаги бунёдкорлик ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки ҳозирги кунда юртимиз бўйлаб 29 та шундай массивда 21 минг 312 хонадонга мўлжалланган 619 та замонавий уй-жой қад ростлаяпти.

▶ Давоми 4-бетда



МУНОСАБАТ

ТАРИХИЙ САММИТ БАШАРИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фахрий доктори



Ҳаётий ўта муҳим масала

Аллоҳ таоло инсонни улуғлаб, унга ато этган неъмат — табиати асраб-авайлаш, ундан меърида фойдаланишга буюрган. Ҳақ таоло: “Ерни яроқли қилиб қўйгандан кейин унда бузғунчилик қилмангиз!”

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва диний соҳа ходимлари томонидан жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, аҳоли орасида турли экстремистик оқим тарқатилишининг олдини олиш, фуқаролар, айниқса, ёшларда маънавий иммунитетни шакллантириш юзасидан жойларда диний-маърифий суҳбатлар, ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали доимий чиқишлар қилиш ҳамда ислом маърифатига оид нашр маҳсулотларини тарқатиш каби фаолиятлар амалга оширилмоқда.

Ислом дини фасод ва бузғунчиликни бутунлай қоралайди. Аллоҳ таоло Ер юзида бузғунчилик қилмаслиқни буюриб: “Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди” (Бақара сураси, 205-оят), шу суранинг 60-оятидан эса: “Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзида бузғунчилик қилмангиз!”, деб оғохлантирган. Ҳадиси шарифларда: “Ҳақиқий мусулмон унинг қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонга озор етмайдиган кишидир” (Имом Бухорий ривояти), дейилган. Демак, ислом дини экстремизм, терроризм ва радикализмни буткул қоралайди, мусулмонларни оқибати оғир бўлган бундай ҳаракатлардан оғоҳ бўлишга чақиради.

Самарқанд саммитида Президентимиз илгари сурган халқчил ва чин инсоний мақсадлар ҳам тинчликни мустақамлаш, кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, дунё давлатлари ўртасида бирдамликни кучайтиришга хизмат қилади, иншааллоҳ.

ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида атроф-муҳитнинг инсон саломатлиги ва руҳиятига таъсирини очиб берган. Амир Темури бундан ўзлаштирган кишилар ёки боғ қилганларни рағбатлантирган. Алишер Навоий эса табиатга хиёнатни дўстга хиёнат қилишга қиёс қилган.

Таъкидлаш жоизки, сув инсон ҳаёти таъминлашда асосий манба. Дарё ва сойлар суви ҳам қишлоқ ҳўжалиги, ҳам энергетика, ҳам аҳоли турмуши учун ўта муҳим. Ҳозирги кунда ичимлик сув муаммоси бутун жаҳон миқёсида ташвиш бўлиб турибди. Дунё аҳолисининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувга муҳтож.

Сувни тежаш борасида ҳадиси шарифда гўзал намуна бор. “Расулulloҳ соллаллоху алайхи васаллам таҳорат қилаётган буюк саҳобалардан бири Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳунинг суви кўпроқ ишлатиб турганини кўрдилар ва унга: “Ҳой Саъд, бу қандай исрофгарчилик?!” дедилар. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху: “Эй Аллоҳнинг Расули! Таҳоратда ҳам исроф бўладими?” деди. У Аллоҳнинг ибодати учун таҳорат қилаётганда суви сал кўпроқ ишлатиб исроф саналмас керак, деб ўйлаган экан. Шунда у зот алайҳиссалом: “Ҳа, ҳатто оқиб турган дарёнинг ёқасида бўлсанг ҳам”, дедилар”.

Аллоҳ таоло инсонларга ато этган неъматларини эслатар экан, суви ҳам зикр қилади: “Сизлар ўзларингиз ичмаётган суви (уйлаб) кўрдингизми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизми ёки Биз ёғдирувчимизми? Агар Биз хоҳласак, уни шўр ва аччиқ қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, (шу обихаёт учун ҳам) шукр қилмасизми?” (Воқеа сураси, 68-70-оят).

Дарҳақиқат, исрофнинг гуноҳи ва унинг сурови оғир, суви исроф қилишнинг гуноҳи эса исрофлар ичида энг оғирдир. Чунки бу неъмат исрофи оқибатида жуда катта зарарлар келиб чиқиши мумкин.

Бир томчи суви ҳам исроф қилмаслик, электр қувватини тежаш, уни бир лаҳза ҳам беҳуда сарфлаш ҳамкорликда яшовчи ҳар бир

Самарқанд декларацияси — истиқболли ҳужжат

Саммитда ШХТ фаолиятининг муҳим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Самарқанд декларацияси тadbирининг бош якуний ҳужжати бўлди.

Жами 44 та ҳужжат — баёнот, битим, дастур ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Аъзо давлатларнинг яхши кўшничилиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома, “ШХТнинг эзгу нияти элчиси” фахрий унвони тўғрисида низоми ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар шулар жумласидандир. ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг иқлим ўзгаришига нисбатан жавоб ҳаракатлари, глобал озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, энергетик хавфсизлиқни таъминлаш тўғрисидаги баёнотлари ҳам қабул қилинди.

ШХТнинг 20 йилдан зиёд фаолияти давомида шунча миқдорда муҳим ва инсон ҳаёти учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиши энг юқори кўрсаткич бўлиб, тарихий воқеага айланди.


Яқунда яна бир жиҳат: саммитга келган бир қатор давлат раҳбарлари Самарқанд саммитидаги “Боқий шаҳар”, Имом Бухорий ва Ҳазрати Хизр мажмуаларини зиёрат қилиши, Қуръони карим оятлари тиловат қилиниб, эзгу дуолар ўқилиши ушбу йилнинг ишига кут-барака берди ҳамда қабул қилинган ҳужжатларда ҳаётийлик акс эттирди.

Аллоҳ таоло бутун Ер юзининг диққат марказидан ўрин олган Самарқанд саммити юртлар тинчлиги, инсоният фаровонлиги ва мамлакатлар тараққиётига хизмат қилишини насиб этсин.

Бошланғичи 1-бетда

Бу хавфнинг жиддийлигини ҳис этган Ўзбекистон халқаро минбарларда бундай хатарга қарши ўз ташаббусларини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш устувор вазифалардан бирига айланган. Бу йилда аҳолининг диний-маърифий саводхонлигини ошириш, экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган ва қилган ишдан чин дилдан пушаймон бўлганларга нисбатан кечиримлилиқ сиёсати



юритилиб, ёш авлод турли бузғунчи оқимлар сафига кириб қолишининг олдини олиш бўйича мунтазам тушуштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, диний ва дунёвий билимларни эгаллаган, фуқаролар орасида диний асосдаги экстремизм мафкурасига қарши иммунитетни шакллантира оладиган

жамоатлар тузиш, турли кўринишдаги асосиз “фатво”лар бериб борилиши муаммони янада жиддийлаштирмоқда.

Ҳақиқатан, бугун мусулмон оламида мураккаб жараёнлар кечмоқда. Мутаассиблик ва маънавий раҳимият эришиш каби иллатлар кузатилаётгани вазиятни янада хавотирли тус олдиришмоқда.

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШХТГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА ТАШКИЛОТНИНГ НУФУЗИ ВА САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛДИ

Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдан буён мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ўзгаришлар шароитида амалга оширган ташаббуси минтақа давлатларини бир-бирига яқинлаштириш орқали нақадар улкан натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Бошланғичи 1-бетда



Сиддхарт САКСЕНА, Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раҳбари (Буюк Британия):

— Биз буюк Самарқанд шаҳрида — маданиятлараро мулоқот ва маданиятлар кесмишган масканда йирик воқеанинг гувоҳи бўлдик.

Ҳумоюн ХОН, халқаро муносабатлар бўйича эксперт (Покистон):

— Минтақаларо ўзаро боғлиқлик фаровонлиқнинг асосий шартидир. Тарих шуни кўрсатадики, минтақавий боғлиқлик ҳамжиҳатликка ва ўзаро биродарликка олиб келади. Ҳозирги вақтда Осиёнинг турли минтақалари ва субминтақалари ўртасида алоқаларни дунёнинг бошқа ҳудудлари билан таққослаш мушкул. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бу борадаги мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилаётганини яна бир бор қайд этди.

ШХТга раислик даврида Ўзбекистон Президентини Ташкилот доирасида амалий ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширди. ШХТ салоҳияти ва халқаро нуфузини юксалтириш, хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш учун Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш мақсадида эътиборга молик ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар ўртасида



савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида Ташкилотнинг келажаги бўйича диққатга сазовор тақлифларни илгари сурди. ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини ташкил этиш, 2023 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги ёндашувларни топиш ва ҳоказолар шулар сирасига кирди.

Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида ташкилотнинг нуфузи ва салоҳияти янада ошди.

Казухиде ШИГЕМАЦУ, “Biotech Co., Ltd.” компанияси президенти, Япония — Ўзбекистон дўстлик ассоциацияси Директорлар кенгаши аъзоси:

— ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари ўртасидаги мулоқот алоҳида аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблайман. Саммит доирасида инновациялар, рақамлаштириш, “ашил” иқтисодий, энергетика ва озиқ-овқат инқирози, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мен Ўзбекистон ҳақида кўплаб тақдимот ва семинарлар ташкил этиш ҳамда мақолалар ёзиш орқали мамлакатнинг Япония жамоатчилиги орасида кенг оммалаштиришга ҳаракат қилиб келаман.

Япон ишбилармонлари ва мутахассислари Ўзбекистонни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан минтақадаги энг барқарор мамлакат, деб ҳисоблайди.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг фаоллашувини олқишлаймиз.



Аҳмад МУСУЛМОНИЙ, “Қоҳира” сиёсий тадқиқотлар маркази директори (Миср):

— Қадимий ва буюк тарихга эга Самарқанд Ўзбекистоннинг тинчлик ва ҳамкорликка қаратилган ташаббусларини намойиш этувчи йирик халқаро тадбирга мезбонлик қилди.

Мамлакатнинг ШХТдаги мазкур раислиги эса Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, дунё миқёсида шиддатли жараёнлар кечаётган ўзига хос “тарихий эврилиш” палласига тўғри келди.

Глобал даражада давлатлар ўртасидаги ўзаро инсонч ҳуқуқ таназзулга юз тутаятган бир пайтда ушбу нуфузли саммитда Ўзбекистон раҳбари конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликка алоҳида уруғ берди.

Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, ҳеч бир мамлакат ёлғиз ҳолда ушбу глобал



хавф-хатарларни четлаб ўтиш ёки барта-раф этишга қодир эмас. Миср ҳам халқаро майдонда ошиб бораётган ШХТнинг минтақавий роли ва нуфузини инобатга олган ҳолда ушбу тузилма билан шериклик қилишдан манфаатдор. Айнан Самарқанд саммити доирасида Миср ва Қатар ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақомини олди. Араб давлатлари уюмиса билан расмий шериклик ўрнатилди, ташкилотнинг аъзоси бўлиш учун Эрон томонидан

Мажбуриятлар тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислиги муваффақиятли ўтганлигидан далолат беради.

Мамлакатингиз ШХТ саммитига нафақат мазмун ва сиёсий жиҳатдан, шунингдек, ташкилий жиҳатдан ҳам юқори даражада тайёргарлик кўрганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Самарқанд шаҳри яқинида қад ростирилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази, унинг таркибидаги Конгресс-марказ, “Боқий шаҳар” мажмуаси, замонавий меҳмонхоналар ва бошқа иншоотлар саммит иштирокчилари томонидан юқори баҳолангани айтиммоқда. Янги барпо этилган мажмуалар ҳам қадимий ва навқирон Самарқандга сайёҳлар оқимини оширишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида минтақавий ҳамкорлик билан бир қаторда туризм масаласига алоҳида эътибор қаратиб, келгуси йилни ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилишни тақлиф этгани Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат сайёҳлик соҳасига алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Санжай ПАНДЕЙ, сиёсий таҳлилчи, Жаҳоҳарлаъл Неру университети ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиё маркази профессори (Ҳиндистон):

— ШХТнинг навбатдаги саммитида кўплаб ютуқларга эришилгани Президент Шавкат Мирзиёевнинг самарали раислиги натижасидир. Учрашув давомида ШХТнинг экстремизм, терроризм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича аънавий вазифалари билан бир қаторда инновациялар, тадбиркорлик, қашшоқликни камайитириш ва аънавий тиббиёт бўйича қарорлар қабул қилинди.

Учрашувда, шунингдек, дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи ва ялпи маҳсулотнинг 30 фоизини ишлаб чиқарадиган ШХТнинг барча мамлакатлари учун озиқ-овқат хавфсизлиги, халқаро энергия хавфсизлиги, иқлим ўзгариши, хавфсиз ва барқарор таъминот



занжирини сақлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, саммит доирасида кўплаб икки томонлама учра-

шувлар ўтказилгани эътиборни тортди. Масалан, Ҳиндистон делегацияси Ўзбекистон, Россия, Эрон ва Туркия раҳбарлари билан мулоқотлар олиб борди. Кўп томонлама саммит Ташкилотга аъзо мамлакатларга икки томонлама алоқаларини ҳам муҳокама қилиш имкониятини беради. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг жуда муҳим ютуғидир.

Ўзбекистонни ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси муваффақиятли ўтказилгани ва Ташкилотга раислик йили давомида кўплаб марраларга эришилгани билан олқишлаймиз. Саммитда ШХТга раислик Ҳиндистонга ўтди ва навбатдаги саммит бизнинг мамлакатимизда ташкил этилади.

“Дунё” АА

НУҚТАИ НАЗАР

САМАРҚАНД РУҲИ

ЭНДИ УЗОҚ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК, ОДАМЛАР ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ДАХЛДОР ЭЗГУ АМАЛЛАРГА КУЧ ВА ДАЛДА БЎЛАДИ



Нодира ЗОКИРОВА,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Ушбу нуфузли халқаро тадбирнинг нечоғлиқ долзарблиги ва аҳамияти хусусида Президентимизнинг саммитида чоп этилган мақолада батафсил тушунча берилди. Жумладан, мақолада шундай дейлади: "... Бугун биз яшаётган, жараёнлар ўзаро чамбарчас боғланган дунёда хавфли муаммолар гирдобидан чиқишни яққо ягона йўли — конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини

муносабатлари уларнинг келажаги учун ниҳоятда муҳим ва зарурдир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари мақолада айтилган яна бир — "Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШХТ кучли бўлади", деган жумлага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки ушбу гап саммитнинг ўзига хос шioriга айланди. Ва амалда шундай бўлди ҳам: халқаро анжуманда айтилган фикр, ташаббус, таклифлар айни шунга йўналтирилди. Ҳар бир иштирокчи умумий гаплардан аниқ мақсадли ҳаракатларга интилаётганини билдирди. Бу эса жуда катта ютуқ!

Саммитда энг кўп фойдаланилган жумлалардан бири халқаро аҳамиятни назарда тутувчи "ҳамкорлик" сўзи бўлса, ажаб эмас. Ишончимиз комил, "Самарқанд руҳи" ҳали узоқ йиллар халқаро миқёсда, миллионлаб одамлар ҳаётига дахлдор кўп лойиҳаларга, мамлакатлараро муносабатларга далда, куч беради.

Мақсад — тараққиётга биргаликда эришиш

ШХТ — тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида бирлашишга қаратилган ташкилот. У бир давлатни иккинчисидан устун қўймайди ёки айнан бир давлат манфаатигагина хизмат қилмайди. Айирмачилик унга бегона. Асосий мақсад — биргаликдаги ҳаракатлар орқали ривожланишга эришиш. Мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч-

раислик қилди ва шу даврларда кўплаб ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, 2021-2022 йилларда раислик пандемия пайтига тўғри келди. Мазкур йиллар барча мамлакатлар иқтисодиёти учун қанчалик оғир кечганини яхши биламиз ва бу жараён ҳали ҳам давом этапти. Шундай бўлишига қарамай, раислик ваколатлари аъло даражада бажарилди. Мамлакатимиз масъулиятли вазифа ижроси асосида ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга, ҳар бир иштирокчи давлатнинг фойдаланилмаётган имкониятларини ишга солиш орқали ШХТни тараққиёт эътириш мақсадларини олиб чиқди. Ушбу вақт ичида ШХТ доирасида 80 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

Ҳар қандай халқаро ташкилот нуфузи ва аҳамияти унга дунёда берилмаётган эътибор ҳамда фаолиятнинг самарадорлиги билан белгиланади. ШХТ нисбатан ёш тузилма. Тарих нуқтаи назаридан 20 йил жуда қисқа муддат, аммо ШХТнинг нуфузли халқаро ташкилотга айланишига ушбу давр кифоя қилди. Бу ташкилотнинг иш тутуми тўғри йўлга қўйилганини, аниқ мақсадли эканини, яъни мамлакатлар тараққиётга қаратилганини аниқлатади.

Самарқанд саммитида ана шу ишлар изчиллигини таъминлаш мақсадида иштирокчилар ўртасида 44 та битим ва қарор имзолангани диққатга сазовор. Яъни Шарк гавҳари — қадимий Самарқанд тарихга кирди! Чунки ҳеч қачон ШХТ доирасидаги учрашувларга 14 та давлат раҳбари келмаган ва бу каби катта ҳужжатлар тўплами имзоланмаган. Табиийки, мулоқот қамрови ҳам бунчалик кенг бўлмаган. Самарқанд саммити ана шундай воқеликлари билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Иқтисодий ҳамкорлик ва салоҳият янада ошади

Айтиб ўтганимиздек, бугун ШХТ жаҳон саҳнасидаги йирик, ўз сўзи ва мақсадига эга муҳим тузилмага айланган. Айниқса, нуфус жиҳатидан унга етадигани йўқ; 3,4 миллиард киши дунё аҳолисининг қарийб ярми дегани. Демак, унда қўриладиган ҳар бир масала дунё аҳолиси ярмининг тақдирига тегишли. Бу эса унинг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги салоҳиятини ҳам, масъулиятини ҳам янада оширади. Маълумотларга қараганда, 2021 йилда тузилма давлатларининг ялпи ички маҳсулоти 23,5 триллион долларни ташкил қилган. Уларнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса 24,5 фоизга етган. Таққослаш учун 2016 йилда бу миқдор 20,7 фоиздан иборат бўлган. 2030 йилга бориб бу рақам жаҳон ялпи ички маҳсулотида қарийб 35-40 фоизга етиши мумкин.

Халқаро валюта жағмараси таҳлилга кўра, 2021 йил учун харид қобилияти паритети (тенглиги) бўйича ШХТга аъзо мамлакатлар ялпи ички маҳсулоти бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги 31,2 фоизини ташкил қилади. Ташкилотга асос солинган 2001 йилдан буён бу улуш 1,8 баробар ошган. 2020 йилда жаҳондаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соф оқимининг 27 фоизи тузилма мамлакатларига йўналтирилган. Утган йили жаҳон импортидаги улуши эса 16,3 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, ШХТ давлатларининг тасдиқланган газ захиралари дунёнинг 44 фоизи ва ишлаб чиқаришнинг 31,4 фоиздан иборат. Нефть захиралари эса 40 фоиз ҳамда ишлаб чиқаришнинг 25 фоизига тўғри келади. Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳам 38 фоизи мазкур ташкилот давлатларига тегишли. Кўряптики, ШХТ — жаҳоннинг йирик бозори. Унга аъзо давлатлар аҳолиси эса ана шу бозорнинг истезъмолчиси ва ишлаб чиқарувчиси. Шу боис, бошқа мамлакатлар ҳам ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорлик қилишни истаяпти. Жумладан, Самарқандда шундай бўлди. Унда Эроннинг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандум имзоланди. Беларусга ШХТнинг тўлақонли аъзоси мақомини бериш тартибини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Миср ва Қатарга ташкилотнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақоми берилди. Баҳрайн, Қувейт, Мальдив, БАА ва Мьянмага мулоқот бўйича шериклар мақомини бериш жараёнлари ҳам бошланган.

Умуман олганда, имзоланган битим ва қарорлар моҳиятига кўра, транспорт-логистика, экология, савдо, инвестиция, sanoat кооперацияси, рақамлаштириш каби муҳим йўналишларга қаратилган ШХТ аввало, иқтисодиёт раванқига, демаки, одамларга яхши турмуш

шарт-шароит яратиш ва кўмак беришга тайёр эканини билдиради.

Гап шундаки, саммит доирасида минтақанинг глобал иқтисодий тармоқлари, транспорт ва транзит йўлақлари чуқур интеграцияни таъминловчи "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли барпо этилиши бўйича ҳамкорлик қилиш учун уч томонлама битимга имзо чекилди. Бу бизга, умуман, аъзо мамлакатларга нима беради? Ушбу йўлнинг дунё бозорига ижобий таъсири катта. Сабаби, йўл қурилиши билан масофа қисқаради,

кўплаб таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ШХТни 2040 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳаётий зарурат эканини айтди. Ушбу ҳужжат тузилманинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозимлигини қайд этди. Бунда, аввало, иқтисодиёт, савдо ва инвестиция соҳасидаги ишларни натижадорлигини оширишга эътибор қаратилади. Чунки бу омил минтақа барқарорлигини таъминлаш ва мамлакатлар аҳолиси фаровонлигини ошириш шартларидир.

Мамлакатлар ўртасида кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш ва амалий ҳамжиҳатликнинг аниқ натижаларига эришиш зарур. Бунинг учун ўзаро сармояларни химоя қилиш ва рағбатлантириш, уларни биринчи навбатда, инфратузилмани ривожлантириш, рақобатбардор sanoat ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш орқали савдо-иқтисодий ҳамкорлик механизмларини фаоллаштириш талаб этилиши таъкидланади.

Яна саммитда Ўзбекистон томонидан ШХТ минтақаларининг бизнес шериклиги ҳафталигини ўтказиш, ШХТ мамлакатлари махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш, келгуси йилда Самарқандда "Ўзбекистон — ШХТ" санаот зонаси базасида махсус зоналар администратсиялари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш ташаббуслари илгари сурилди. Ҳар йили ШХТ йирик савдо ярмаркасини ўтказиш, унинг асосида ягона электрон платформа яратиш таклифлари билдирилди. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, логистика, транспорт йўлақлари каби ҳаётий масалалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Мақола давомида уларнинг айримларига тўхталиқ, холос. Ваҳоланки, саммитга қўрилган тайёрларидан тортиб, мулоқотларда билдирилган фикрлар, имзоланган ҳужжатлар, амалий ҳаракатларга асос бўлган учрашувлар — барча-барчаси ШХТнинг нақадар муҳим ва дунё майдонида имконияти кенг, салоҳияти юқори ташкилотга айланганини кўрсатилади.

ШХТнинг Самарқанд саммити унга аъзо мамлакатларнинг муштарак мақсадларини рўёбга чиқарувчи муҳим майдон, умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат ҳамда ишончли ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлди, дейишга асослар етарли. Бугун халқаро ҳамжамият, эксперт ва сиёсатчилар, олимлар, ОАВ вакиллари шундай фикрда. Ҳали ШХТ, хусусан, унинг Самарқанд саммити ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. Чунки тузилма аллақачон глобал-сиёсий ҳамда иқтисодий воқеликнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган.

“ ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАҒМАРАСИ ТАҲЛИЛИГА КўРА, 2021 ЙИЛ УЧУН ХАРИД ҚОБИЛИЯТИ ПАРИТЕТИ (ТЕНГЛИГИ) БЎЙИЧА ШХТГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ БУГУНГИ КУНДА ЖАҲОН ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИНИНГ 31,2 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ТАШКИЛОТГА АСОС СОЛИНГАН 2001 ЙИЛДАН БУЁН БУ УЛУШ 1,8 БАРОБАР ОШГАН. 2020 ЙИЛДА ЖАҲОНДАГИ ТўҒРИДАН-ТўҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР СОФ ОқИМИНИНГ 27 ФОИЗИ ТУЗИЛМА МАМЛАКАТЛАРИГА ЙўНАЛТИРИЛГАН. УТГАН ЙИЛИ ЖАҲОН ИМПОРТИДАГИ УЛУШИ ЭСА 16,3 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликдир. Айнан инқироз ва бухронлар даврида мамлакатлар, улар хоҳ катта, ўрта ёки кичик бўлсин, ўзларининг тор доирадаги манфаатларини устун қўймайдиган, ақсинча, асосий эътиборни глобал ҳамжиҳатликка қаратишлари лозим.

га асосланган алоқалар тобора сулалашиб бораётган ҳозирги замон учун бундай тузилма сув ва ҳаводек зарур. Шу боис, ШХТга бўлган қизиқиш юқори. Ҳамкорлик қилиш, унга қўшилишни истовчилар бисёрлиги Самарқанддаги саммитда яна бир бор ўз иботини топди.



“ ... Самарали ҳамкорлик — бу дунёда барқарор, ишончли ва фаровон тараққиётнинг энг муҳим омилidir. Айнан шундай ёндашув замонамизнинг долзарб муаммоларини баҳамжихат ҳал этиш, янги хавф-хатар ва ижтимоий ларзалардан химояланиш учун энг аниқ ва самарали йўл ҳисобланади”.

Ҳа, бугун ҳеч бир муаммони менга тегишли эмас, деб бўлмайди. У ҳамма-ники. Дунёнинг нариги чеккасида бўлса-да, у ҳеч қанча вақт ўтмай глобал тус олиши, барчани безовта қилиши мумкин. Демак, мамлакатлар ўртасидаги бугунги дўстона учрашувлар, ҳамкорлик

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

“ АЙНИ ПАЙТДА ЮРТИМИЗДА 9 МИНГДАН ОРТИҚ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАР ТОМОНИДАН 180 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА 15 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, ЙИЛ ОХИРИГАЧА БУ КЎРСАТКИЧНИ 27,6 ТРИЛЛИОН СЎМГА ЕТКАЗИШ МАҚСАД ҚИЛИНГАН. 1,8 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗЛАШТИРИЛИБ, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 690 МИЛЛИОН ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 981 МИЛЛАРД СЎМЛИК МАҲСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАНИШИ ҲАМДА ҚАРИЙБ 21 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИ КУТИЛМОҚДА.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

Ёхуд ушбу тармоқдаги ўзгаришларга бир назар

“ ДАСТУРГА БИНОАН, ШУНИНГДЕК, 2026 ЙИЛДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭКСПОРТИ 1 ТРИЛЛИОН 84 МИЛЛАРД ДОЛЛАРГА ЁКИ 2021 ЙИЛГА НИСБАТАН 2,5 БАРАВАРГА ОШИРИЛАДИ. АСОСИЙ ТУРДАГИ АШЁЛАРНИНГ ИМПОРТИ 2020 ЙИЛГА НИСБАТАН 60 ФОИЗГА КАМАЙИБ, 185,6 МИЛЛИОН ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭСА 2 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ.

Бошланиши 1-бетда

Кўп қаватли уйлар ҳамда муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекслари тарзда қурилаётгани, келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд оила замонавий уй-жойлар билан таъминланиши кутилаётгани диққатга сазовор.

Янада эътиборлиси, айна пайтда қад ростлаётган уй-жойлар учун зарур ашёларнинг 95 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса янги турар жойларнинг сифатли ва таннари арзон бўлишига хизмат қилапти. Қолаверса, бу мамлакатимизда қурилиш материаллари sanoati қай даражада ривожланаётганини ҳам аниқлатади.

Чиндан ҳам, республикамиз қурилиш sanoatida қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Тармоқ корхоналари фаолияти бугунги талаб ва эҳтиёжга мосми? Экспорт имкониятларимиз қандай? Қуйида бу қабил ишларга масъул бўлган ташкилот — “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси фаолияти мисолида ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ УОШМАГА НЕГА КЕЛДИ?

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасида бўлиб, унинг фаолияти билан танишди. Шу ўринда кимнингдир хаёлидан вазирилар, давлат хизматчилари ва ҳатто Президент турли соҳа вакиллари ҳамда оддий одамлар билан бевосита учрашиб, мулоқот ўтказиб, ҳозирги вақтда бунинг нимаси янглик, деган мулоҳаза ўтиши мумкин. Лекин бу сингари учрашувларда кўплаб муаммоларга ечим топилапти. Истиқболли масалалар муҳокама этилиб, режалар белгилаб олинапти. Бундай тadbирлардан кўзланган мақсад ҳам, унинг моҳияти ҳам шунда, аслида. Уюшмадаги учрашув ҳам танқидий-таҳлилий тарзда бўлиб ўтгани билан алоҳида ажралиб турди.

Яна бир томони, юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистонда қурилиш-бунёдкорлик ишлари тобора авж олмақда. Шунга яраша қурилишбop маҳсулотларга

талаб ҳам юқори. Эҳтиёжни қондириш кечиктириб бўлмас вазирилар сирасига кирилади. Демак, тармоқ доимий эътиборда ва ривожланишда бўлиши лозим. Натижалар ёмон эмас. Кейинги беш йилда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилган ислохотлар туфайли мазкур тармоқда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Яъни қурилиш материаллари sanoatining йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 8,1 триллион сўмдан 2021 йилда 24,2 триллион сўмга, яъни 3 баробарга ошган. Соҳага 2017 йилда 560 миллион долларлик инвестиция жалб қилинган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1,4 миллиард долларга ёки 2,5 баробарга кўпайган. Шунингдек, экспорт ҳажми

ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида 15 триллион сўмни ташкил этган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткични 27,6 триллион сўмга етказиш мақсад қилинган. 1,8 миллиард долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, экспорт ҳажми 690 миллион долларни ташкил этиши, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 981 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиши ҳамда қарийб 21 мингта янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Булар чакана рақамлар эмас. Муҳими, тизим корхоналари шунга интилоқда ва тармоқда бунинг учун имкониятлар етарли.

Соҳа корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 287 миллион долларлик қурилиш материаллари экспорт қилинди. Ҳозирги кунда хориж бозорларига, асосан, керамика, труба ва пластмасса маҳсулотлар, металл буюмлар ҳамда алюмин профиллари етказиб берилмоқда.

2022 йил якуни билан қиймати 1 миллиард 802 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилади ва улар 35 та ийрик, 132 та ўрта ҳамда 652 та кичик лойиҳаларга йўналтирилади.

— Ўтган йилги 3 миллион долларлик газобетонни Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон сингари кўшни



қурилишни ва қурилиш материаллари sanoatini қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 8 та — Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сароисиб, Оҳангарон ва Ўзбекистон туманларида қўшилган қиймат занжирини яратувчи қурилиш материаллари кластерларини ҳамда 16 та туман ва шаҳарларда бошқа ҳудудлар билан sanoat кооперациясини ташкил этиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш белгиланган. Бугунги кунда мазкур ихтисослашган туманларда қиймати 1,6 миллиард долларлик 150 та лойиҳа шакллантирилган ва бунинг натижасида 7,8 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади.

Кластерларни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш учун 2022-2023 йилларда давлат бюджетидан 200 миллиард сўм, шундан жорий йилда 101 миллиард сўм ҳамда геология-қидирув ишлари учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилади. Натижада “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этишда объектларнинг қурилиш муддати ва таннарихини камайтириш имкони яратилади.

ЮҚОРИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚАРИЙБ 2 БАРОБАРГА ОШАДИ

Тармоқни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, экспорт кўрсаткичларини ошириш ҳамда янги sanoat корхоналарини ташкил этиш мақсадида 2022-2026 йилларда қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра, 2026 йилга бориб тармоқ бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 42,3 триллион сўмга етказиш ва бунда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улushi 2016 йилдаги 32,3 фоиздан 53 фоизгача ошириш белгиланган. Натижада асосий турдаги қурилиш материалларига бўлган талаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ қопланади. Хусусан, газобетон, иссиқлик сақловчи изоляция материаллари, қурилиш ойнаси, цемент каби маҳсулотлар бўйича ички талаб қопланиб, уларнинг бир қисми хориж бозорларига йўналтирилади.

Дастурга биноан, шунингдек, 2026 йилда қурилиш материаллари экспорти 1 триллион 84 миллиард долларга ёки 2021 йилга нисбатан 2,5 бараварга оширилади. Асосий турдаги ашёларнинг импорти 2020 йилга нисбатан 60 фоизга камайиб, 185,6 миллион долларни ташкил этади. Тармоқни ривожлантиришга эса 2 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинади.

Янги инвестиция моделини амалга ошириш натижасида 2021-2025 йилларда 4,5 миллион куб метр газобетон блоклари,

85 миллион квадрат метр гипскартон листлари, 8,6 миллион куб метр темир-бетон маҳсулотлари, 4,5 миллион квадрат метр керамогранит, 1,9 миллион квадрат метр табиий пардозбop тош каби янги ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, 19,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Ушбу даврда маҳаллийлаштирилган қурилиш материаллари тайёрлаш ҳажми жорий йилдагидан 1,7 бараварга оширилиб, 1,55 триллион сўмга етказилади. Беш йил мобайнида 7 турдаги янги инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

— Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида қурилиш материаллари sanoati ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Азизбек Баҳодиров. — Шулар инобатга олиниб, келгуси ўн йилда тармоқнинг ички бозордаги рақобатдошлигини ошириш ҳамда импорт ҳажмини босқичма-босқич қисқартириб боришга катта эътибор қаратилади.

2021 йил 30 апрель кuni Президентимиз раислигида ҳудудларда маҳаллий sanoatни ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йил 9 июнда имзоланган “Ҳудудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тadbирлари тўғрисида”ги фармонга мувофиқ, тизим ривожига оид бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш бўйича кенгаш тузилди. 2021-2023 йиллар давомида барча тижорат банклари билан биргаликда қиймати 5,7 миллиард долларлик 1 минг 348 та лойиҳа шакллантирилди, маҳаллий sanoat корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлаш мактаби яратилди, 65 та маҳсулот тури бўйича амалий-услувий қўлланмалар тайёрланди.

Шу кунларда Туркиянинг “BCC” халқаро консалтинг компанияси мутахассислари билан 2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари sanoatini ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Тараққиётнинг бирламчи вазираси — мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда иқтисодий ўсишнинг мақсадили суъратларини сақлаб қолиш, бунда эса илгор технологияларни қўллаш ва экспортни ривожлантиришдир.

“ТАДБИРКОРЛАР МАКТАБИ” — БИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КЎМАКЧИ

Ўтган йилнинг декабрь ойида уюшмада “Тadbиркорлар мактаби” ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Бундан кўзланган мақсад, тadbиркорлик субъектлари ёки қизиқувчиларни бизнесни замонавий асосда ташкил қилишга ўқитиш эди. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб

эса дастлабки 20 нафар ўз бизнесини бошлаш ниятидаги тadbиркорлар, тармоқ корхона ва ташкилотлар ходимлари, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари ўқитилди.

Бу ерда машғулотлар замонавий ўқув дастурлари ва янги таълим методлари асосида 4 та модулга ажратилган ҳолда олиб борилади. Бунинг учун ўқув маркази зарур таълим воситалари ва ўқув қуроллари билан таъминланди, етарли адабиётлар фонди шакллантирилди.

Ўқув марказида ташаббускор тadbиркорларнинг соҳадаги малака даражаси мунтазам ошириб борилади. Илгор архитектура ва дизайнлик тамойилларига асосланган “келажак материаллари” номенклатураси кенгайтирилиб, ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар кенг жорий этилади.

Шунингдек, марказ бўлажак тadbиркорларнинг молия, солиқ, маркетинг ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, илгор ва замонавий технологиялар, ишланмалар, илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги ишбилармонларни кашф этишга хизмат қилади.

Бу борада ўндан зиёд олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган, 72 соатга мўлжалланган курслар чуқур малака ва кўникмага эга фан номзодлари ва докторлари ҳамда профессорлар томонидан олиб борилаётган.

Шунингдек, Туркия (Maltepe university) ва Германия (Passive House Institute) давлатларида яратилган инновацион технологияларнинг Ўзбекистонга трансферини доимий равишда ташкил этиш орқали тингловчилар билим ва кўникмаси халқаро мезонлар асосида ҳам бойитилмоқда. Марказда ўқиниш муваффақияти тамомлаган тингловчиларга сертификат берилади.

— Марказда ўқиб вақти кўп эмас, лекин бериладиган маслаҳат, йўл-йўриқ ва гоьлар қимматли, — дейди “Moderna segment” масъулияти чекланган жамияти технологи Аҳдам Эргашев. — Шу маънода, нафақат бошловчи тadbиркорлар, балки тажрибали ишбилармонларнинг ҳам бу ерга келишини тасвия қиламан. Чунки бугунги шартларда даврда ҳуқуқий хужжатлар, солиқ ва бошқа йўналишларда янгиликлар кўп. Марказ мутахассислари уларни батафсил тушунтиришга ҳаракат қилади.


Ҳаётимизда қурилиш соҳаси муҳим роль ўйнайди. Чунки айнан уй-жой ҳамда бино ва иншоотлар қурилиши иқтисодийётни ривожлантириш баробарида, аҳолига қулай яшаш шароити яратиб, юқори кайфият беради. Шу маънода, мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари тобора жадаллашиб, қурилиш sanoati ривожланиб бораётгани, пировардида, одамлар турмуш даражаси яхшиланаётгани билан аҳамиятли.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“2023 йил 1 январдан бошлаб КАДАСТР ВА КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ИНТЕГРАЦИОН АХБОРОТ ТИЗИМИ (UZKAD) КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ДАВЛАТ РЕЕСТРИ ҲАМДА УНГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР ЮРИТИЛАДИГАН, МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНДИГАН ЯГОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН



МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗЛИГИ

У ҚАЕРДАКИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА БЎЛСА, ЎША ЕРДА ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚ ТОПАДИ

Равшан НУРМАТОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти масъул ходими

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига замонавий агротехнологиялар, янгича ёндашувлар, бозор тамойилларини татбиқ этиш орқали бу каби муаммоларга ечим топилди, “мухташам” мавсум энди хотирага айланди.

Инсон қадрини улуғлаш, юртдошларимиз учун муносиб иш ва яшаш шароити яратиш, уларни бугунги кундан рози бўлишларига эришиш йўлидаги тарихий янгиланиш жараёнлари, бу йўлда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар тўғрисида бугун қайси бир соҳа ёки йўналишни олмаган, шундай ҳолатга дуч келаверасиз. Жумладан, хусусий мулк масаласида ҳам.

Ёдиндага бўлса, яқин-яқингача “снос”, хусусий мулк дахлсизлиги мавзуси энг кўп муҳокамада бўлиб келган масалалардан бири эди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда

назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасида эса мулк ҳуқуқи тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги ва мулк ҳуқуқи мuddатсиз эканлиги, 166-моддасида мулк дахлсизлиги ва у қонун билан қўриқланиши, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатлиги, мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши назарда тутилган.


Шу ўринда айтиш жоизки, хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда туриб, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни

ривожлантириш, иқтисодийetni либераллаштириш қийин кечishi жаҳон амалиётидан яхши маълум.

Шу боис, сўнгги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги фармонлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 24 августда бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми



сифатида “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкрий муносабатларга асосиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини ҳам имзолади.

Фармон билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф

этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкрий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи бир қатор тартиблар, талаб ва чекловлар бекор қилинди.

Хусусан, шу кунга қадар мавжуд қонунчиликка кўра, мулкдор ўз турар жойига рўйхатга қўйилган шахсни суд қарорисиз мажбуран рўйхатдан чиқаришга ҳақли эмас эди.

“Кези келганда таъкидлаш ўринлики, кейинги 2 ярим йил мобайнида фуқаролик судларига шахсни турар жойдан рўйхатдан чиқариш бўйича 8 минг 954 та даъво аризалари киритилган, шундан 82 фоизи қаноатлантирилган. Мана шу рақамнинг ўзиёқ айнан биргина мана шу масала бўйича юртдошларимизда ййгилиб қолган муаммолар кўлами ва ўрнатилган янги тартибнинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Фармон доирасида эндиликда турар жойга нисбатан мулкрий ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун улар

пайтдан бошлаб 3 йил ўтгач, натура шаклида талаб қилиб олиш бекор қилинди.

Бундан ташқари, ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш амалиёти бекор қилинди. Эндиликда мазкур ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топилуши мумкин.

Маълумотларга кўра, сўнгги 2 ярим йилда 2,6 миллион гектардан иборат 20 минг 543 та ер участкаси ердан ихтиёрий воз кечилганлиги ҳақида аризага асосан ҳоким қарорлари билан захирага қайтарилган.

Эндиликда ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Ҳукумат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш талаб этилмайди. Мулкдорнинг ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос бўлади.


Бундан буён юридик шахс тугатилганда унинг қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва ер давлат захирасига қайтариб олинмайди. Ушбу ҳуқуқлар юридик шахс муассисларига, агар қонунчиликда, таъсис ҳужжатларида ёки муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқа шартлар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг юридик шахсдаги улушига мутаносиб равишда ўтказилади.

Ўз навбатида, ер участкаларини жамоат эҳтиёллари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлат мулккидаги бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш бекор қилинди. Бунда кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой объектлари берилиши мустасно.

2023 йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (UZKAD) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри ҳамда унга оид маълумотлар юритилади, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизими этиб белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қонун ҳужжатларида хусусий мулк дахлсизлиги билан боғлиқ белгиланган нормаларнинг тўлиқ ишлаши мулкдорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини самарали ҳимоялашни кафолатлайди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлик ривожини кенг йўл очди. Зеро, ҳар қандай тадбиркор, хоҳ маҳаллий ишбилармон бўлсин, хоҳ хориқлик инвестор бўлсин, қаердаки мулк ҳуқуқи кафолатланган бўлса, ўша жойга сармоя киритади.

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК



ДАВЛАТЧИЛИК БОШҚАРУВИ БОБИДА МУҲИМ МАНБА

“Темур тузуқлари”ни ҳар сафар варақлар эканмииз, теурийлар даврига оид янгидан-янги кирраларни кашф этаверамиз, тобора кўп нарсани билмаслигимизни англайверамиз. Соҳибқирон Амир Темурнинг насаби, хулқу ахлоқи, келиб чиқиши ва камолотига доир манбалардан унинг дунё миқёсида йирик давлат ва сиёсат арбоби, ёркин хислатларга эга, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бир сўзли, зўр рухий қудрат эгаси, салобатли, фикҳ, фалсафа ва адабиётни яхши билган инсон эканини англаймиз.

“Темур тузуқлари”да давлат тизими, турли лавозимлардаги вазифалар, давлатни бошқаришга асос бўлган қондалар, қўшин тузилиши ва уни бошқариш, таъминлаш каби масалалар баён этилади. Манбаларда бот-бот таъкидланганидек, давлат ишлари ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борилган. “Салтанатим мартабасини, — деб таъкидлайди Амир Темур, — қонун-қондалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қўли етмасди”.

Шаҳарлар ва шаҳар атрофи аҳолисида на жон солиғи ва на бож олинарди. Бирор аскарнинг доимий туриш учун биронинг шахсий уйини эгаллашга ёки молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳақиқий йўқ эди. “Барча ишларда, — дейди Амир Темур, — бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига бўйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошланалар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар”.

келтирилган иқтисодга кўра, “Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан мўлқаддам кўрарди... Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, баҳсида инсофу ҳишмат бўларди”.

Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрнига биргина далил етарли: барча юртларвар кучларини уюштириб, уларни мустақиллик учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, халқ орзу-умидлари рўёбга чиқишига улкан ҳисса қўшган саркарда — соҳиби қирон, соҳиби зуҳур бўлди. Маданият, ободончилик, ҳунармандлик ҳомийси ўлароқ майдонга чиқди. Ўз сиёсати билан туркий тил ривожига кенг йўл очди. Кўплаб мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, савдо ва маданий алоқалар имкониятини беҳад кенгайтди...

Раят аҳволдан оғоҳ бўлдим, улғуларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ерине табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму оадатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим...

“Темур тузуқлари”дан

Ҳа, биз шундай олам аро танилган зотнинг авлодларимиз. “Тарих — келажакнинг ойнаси” деганларидек, бизлар ул зотга муносиб авлод бўлдимки? Бу кунги жаҳон сахнасида ўрнимиз қандай, яқин ва узоқ истикболда қандай бўлади? Соҳибқироннинг тўра-тузуқлари бугунги давр давлатчилигида қандай ўринга ва таъсирга эга, деган саволлар ҳар биримизни безовта қилади.

“Яна таърибамда кўриб билдимки, давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузуқка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдики, уни кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап торتماй кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди”, дейди Соҳибқирон бир ўринда.

Бугун юртимизда кечаётган конституциявий ислохотлар “Темур тузуқлари”дан улги олгандек гўё. Давлатимиз раҳбари Конституциями қабул қилганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Шу нукта назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади. Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси,

тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ. Қонун устуворлиги — бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир. Шу боис, барча бўғиндаги кадрлар, у хоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда, бу қондаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳит яратишимиз зарур”лигини билдирди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ислохотларга янги қудрат берди.

Ҳаракатлар стратегияси даврида тўпланган таърибга кўрсатдик, энди давлатнинг вазифаси сифат жиҳатидан, мазмундан ва шаклан ўзгармоқда. Бугунги рақобат дунёси, инвестициявий жозибдорлик фалсафанинг машҳур категорияси — миқдор кўрсаткичлари ўз ўрнини сифат кўрсаткичларига бўшатиб беришини талаб этмоқда.

Давлатнинг вазифаси давлат хизматлари сифати ва жамият билан ўзаро ҳамкорлик самардорлигига эришиш учун бошқарувнинг барча даражаларида ресурс ва кўникмаларни сафарбар этиш ва бирлаштиришдан иборат бўлиши лозимлигини даврнинг ўзи такозо этаётир. Бугунги ислохотлар фондида давлат бошқарувида давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқарога хизмат қилишга йўналтириш”да очкиклик (давлат хизматчиларининг ҳисобдорлиги, бюджет шафдофлиги, ахборотнинг, фуқаролар ва ОАВнинг ахборотдан фойдаланиши очкиклиги) жуда муҳим.

Бугун Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли конституциявий ислохотларнинг асл мақсади — халқ иродаси, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва пиروвардида, инсон қадрини улуғлаш, унинг оғирини енгил қилиш, ҳаётини

нинг розилигини олиш талаб этилмайди. Ўз навбатида, ушбу тартиб тарафлар ўртасида бошқа келишув тузилган ҳолатларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Шунингдек, суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи, деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган



яхшилаш, ижтимоий адолат тамойиллини ҳаётга татбиқ этиш.

Янги Ўзбекистон гоёси барчанинг қалбидан чўқур жой олгани, уни ҳаётга татбиқ этиш умумийлиги ҳаракатга айланиб улғургани ва энг муҳими, уларнинг дунёқарши, эртанги кунга, ислохотлар натижасига ишончи кучайгани, Ўзбекистондаги шиддатли демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси ортиб, юксалиб бораётгани хорижий ва миллий экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

“Инсон қадри учун” гоёси ҳамда янги “Инсон — шахс — жамият” парадигмасини ҳаётга иччил татбиқ этиш таклифи жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинган, ушбу гоёлар ислохотларнинг ўзатиши ташкил этиши, турли йўналишлардаги тарихий янгиланишларни ўзаро боғлаб тургани айни ҳақиқатдир.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мамлакатимиз тарихида сифат ва мазмун жиҳатидан янги тараққиёт даври бошланганидан дололат беради. Бу янги даврнинг энг муҳими ва устувор хусусиятлари, аввало, давлат ва бошқарув органлари, барча раҳбарлар бундан буён ўз фаолиятини “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойил асосида юритиши, уларнинг барча куч ва имкониятлари адолатли жамият ва ижтимоий давлат қуриш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилганда ақс этади. Зеро, “инсон қадри” ва “ижтимоий давлат” тушунчаларини бир-биридан айри тасаввур қилиб бўлмайди, улар бир-бирини такозо этади ва ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Фундаментал инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳурмат қилиниши, инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сири, ўз шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши, айбсизлик презумпцияси, давлат ва ватандошлар муносабати, жамоатчилик назорати, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, мажбурий меҳнатдан ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан фойдаланиш тақиқланиши ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлиши, давлат ижтимоий хизматлар тизими, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополиялаштиришга йўл қўйилмаслиги, мулкдор мол-мулкига ўз хоҳиши ва манфаатини кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, давлат тасарруфидан қийинчилик ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ва бекор қилинмаслиги борасидаги масалалар конституциявий ислохотларнинг муҳим жиҳатларидир.

Ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш халқнинг орзуси, эзгу истиғи, олимо мақсади бўлган — Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шартидир. Бу йўлда Яратганининг ўзи мададкор бўлаверсин. Бугунги ва кейинги авлод, Соҳибқирон васият қилгандек, “Темур тузуқлари”даги эзгу ва ибратли қондаларга таянверсин.

Миродил БАРАТОВ,
ЎзФА Давлат ва ҳуқуқ
институти бўлим бошлиғи,
юридик фанлар доктори,
профессор

МЕЗБОН ВА МИНГ ТУРФА МЕҲМОН



ТААССУРОТ

Ориф ТҶУХТАШ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши раиси

Жорий йил бошида Ўзбекистон Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгаши — IBBYга аъзо бўлган эди. Шу муносабат билан юртимизда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирилик, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий ҳамда республика болалар кутубхоналари, Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси миллий ассоциацияси иштирокчида миллий шўба ташкил қилинди. Энди Ўзбек ёзувчи ва ижодкорларига ҳам ушбу кенгаш томонидан таъсис этилган танловларда қатнашиш ва халқаро миқёсда китобхонлар эътирофига сазовор бўлиш имконияти юзга келгани мутлақ қувонарли ҳолдир.



IBBY ҳар икки йилда бир мартаба миллий шўбаларнинг ҳар биридан кўзга кўринган ёзувчилар, иллюстратор-рассомлар ва таржимонларни эътироф қилиш мақсадида уларнинг энг яхши ишларини IBBY Honour List рўйхатида киритади. Бундан ташқари, IBBY ҳар икки йилда бир марта имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун энг яхши китобларни танлайди (IBBY Collection of Books for Young People with Disabilities). IBBYнинг бошқа йирик лойиҳалари қаторига болалар адабиётига бағишланган "Bookbird" журнали ва Братислава шаҳридаги расмлар биенналесини (BIB — Biennial of Illustrations in Bratislava) қўшиш мумкин.

Халқаро кенгаш хусусида

Болалар ва ўсмирлар адабиёти халқаро кенгаши (International Board on Books for Young People — IBBY) 1953 йилда Цюрихда (Швейцария) ЮНЕСКОнинг Болалар ва ўсмирлар адабиёти бўйича халқаро кенгаши томонидан ташкил этилган. Кенгашнинг асосий мақсади болалар ва ёшлар дунёвий адабиётини ривожлантириш баробарида мамлакатлар миллий адабиётини халқаро миқёсда кўтариш ва оммалаштиришга қўмақлаштиришдан иборат. IBBY айнан шундай мақсадга қўра ижодий ва ижтимоий кучларни бирлаштиради. Кенгаш болалар адабиёти ёрдамида халқаро миқёсда кўтариш хисса қўшиш, юқори адабий-бадий талабларга жавоб берадиган болалар адабиётини кенг тарғиб қилиш, болалар адабиёти ва китобхонлик соҳасидаги илмий-педагогик ишларни рағбатлантириш каби учта асосий мақсадда фаолият юритади.

Бу каби эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган кенгашга Ўзбекистоннинг аъзо бўлиб киргани ажойиб янглик. Натижада ўзбек болалар шоир-ёзувчилари, рассомлар ва ноширлик соҳасида меҳнат қилувчи бошқа вакиллар халқаро конгресс тадбирларида бевосита иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Шунингдек, ўзбек тилидаги болалар адабиётини ҳам жаҳон миқёсида тақдим этиш, ижодкорларимизни турли танловлар, хусусан, Ханс Кристиан Андерсен номидаги соврин учун номзод сифатида илгари суриш имконияти пайдо бўлди.

турли соҳа эгалари, ҳозирги вазиятда ёзувчи ва рассомлар ўртасидаги ўзаро алоқалар учун кўприк вазифасини ўтайди. Бу орқали Ўзбекистоннинг адабиёт соҳасидаги бошқа ташкилотларга ҳам аъзо бўлиш имконияти ошади боради.

ЮНЕСКО томонидан ҳар йили турли мамлакатларда китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида олиб борилган ишлар ва уларнинг самарасига қараб турли шаҳарларга "Китоб пойтахти" мақоми берилади. Айнан мана шундай мақомни 2020 йилда Куала-Лумпур, 2021 йилда эса Тбилиси шаҳри қўлга киритган эди. Жорий йилда бу мақом Гуадалахара (Мексика) шаҳрига насиб этди. Қувонарлиси шундаки, агар бизда ҳам китобхонликни тарғиб қилиш ва рағбатлантириш борасида ишлар жадал суръатда давом эттириладиган бўлса, Ўзбекистоннинг маълум ва машҳур шаҳарлари ҳам бундай мақомга эга бўлиш имкониятига эга.

Жорий йил 5-8 сентябрь кунлари Малайзиянинг Путражая шаҳрида IBBY Бош ассамблеясининг 38-халқаро адабий ҳафталиги ва Халқаро болалар адабиёти танловлари бўйича тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтди ҳамда унда Ўзбекистон вакиллари ҳам муносиб иштирок этди.

"Саламат датанг"

Бизни мана шундай сўзлар билан қаршилаган малайзиялик мезбонлар сафаримиз якунига қадар қўлларини кўксидан туширмади. Бу сўз малай тилида "хуш келибсиз" маъносига қўлланар экан.

Путражая шаҳри қоқ марказида жойлашган "Тербаданан Путражая" деб номланувчи анжуманлар мажмуаси ер юзининг турли нуқталаридан келган меҳмонлар учун ажратилди. Тадбирлар бўлиб ўтадиган манзилга ендош қад кўтарган шинам "Дорсетт" меҳмонхонасининг юқори қаватларидан бирига жойлашдик. Хонамиз деразаларидан Путражая шаҳридаги машҳур кўл бутун бўй-басти билан намоён эди.

Сафаримиз мобайнида бизни ҳайратлантирган жиҳатлар анчагина бўлди. Шаҳарнинг тоза ва озодлигига биз сингари ҳавас қилганлар кўпчилигини ташкил этарди. Кўчаларда турнақатор тирбандликка дуч келмайсиз, ҳуда-беҳудага машиналарнинг сигнал овозлари чалинмайди. Аҳолининг кўп қисми митти мотодиқларда ҳаракатланаркан. Хуллас, белгиланган меъ-ерларга қатъий амал қилинган ҳолда биров-бировнинг ишига асло халал бермайди...

Турт кун давом этган халқаро конгресс тадбирлари ҳам маданий-бадий безаклар — малайзияликларнинг миллий рақслари, куй-кўшиқлари билан уйғун тарзда ташкил қилинди.

Тадбирлар, асосан, инглиз тилида ўтказилди. Сўзга чиққан меҳмонлар ҳам имкон даражасида инглиз тилида маъруза ўқиди.

Тил элларни бирлаштиради

"Тил билган эл билади", деганларича бор экан. Рост, мен ва мен каби бошқа юртлардан келган меҳмонларнинг аксарияти бу борада бир оз қийналгани бор гап. Хайриятки, сафримизда дунёвий тилга айланиб улгурган инглиз тилини керағича ўзлаштириб олганлар бор эди. Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги, АОКА ҳамда Халқ таълими вазириликдан бириктирилган вакиллар ва уларнинг кўмағида конгресс тафсилотлари, шунингдек, воқеалар ривожини кузатиб боришга тўғри келди.

Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай

Бу турмаёно сўзлар буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий битикларида намоён. Дарҳақиқат, аждодларимиз қадим-қадимдан илм-маърифат ва фарзанд таълим-тарбиясига устувор аҳамият қаратиб келган. Қолаверса, биз ҳозир таъриф-таънифини келтириб турган халқаро тадбир ҳам моҳиятан шу фикрларни қўллаб-қувватлайди. Зеро, болалар адабиёти дунёга келган ҳар бир гудакнинг келажакдаги тақдирини белгилаб берувчи восита. Бир сўз билан айтганда, маъзур халқаро тадбирлар замирида ҳам эндигина дунёни таний

машҳурроқ эканига шохид бўлдик. Аҳолисининг аксариятини мусулмонлар ташкил этувчи Малайзияда, буни қарангки, Имом Бухорий номидаги масжид барпо этилган. Таъбир жоиз бўлса, муҳаддис аждодимиз ислом оламидаги ушбу мақомини ҳам, албатта, илм орқали қўлга киритган.

Ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Тадбир мобайнидаги китоблар кўргазмасини кузатиб, ҳайратланасиз: митти болажонлар учун китоблар шунчаки чоп қилинмаган, уларнинг аксариятини чин маънодаги яратқч, дейиш тўғрироқ бўлади. Бу йўлда эса болажон кайфиятдаги шоир-ёзувчи, моҳир рассом ва албатта, ношир ҳамкорлиги керак бўлади.

Бўлиб ўтган ҳафталик доирасида ҳам ушбу фикрлар бот-бот эътироф қилинди ва шу йўлдаги энг муносиб асарлар муаллифлари мукофотланди. Шундай қилиб, Ханс Кристиан Андерсен номидаги халқаро мукофотга жорий йилда французиялик болалар адбиси Мария Мурейл ва жанубий корейлик рассом Сьюзи Ли муносиб топилди.

Бир хулосага келдим: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз! Рост, бу сўзларни қилиб ишонч билан айтиш турлиман! Чунки жуда юксак салоҳият билан битилган болалар адабиёти намуналарининг сароб. Устоз ижодкорларимизнинг бир ўқишдаёқ ёд бўлиб қолувчи қўноқ шеърлари ва саргузаштларга бой насрий асарларини ҳеч иккиланмай дунёга тақдим қила оламиз! Қолаверса, ҳозир ижоднинг ушбу йўналишида моҳирона қалам тебратиб келаятган шоир ва ёзувчиларимиз ҳам етарли. Шўқри, кўзимизни қувонтирадиган дадил қадамли ёшлар қарвони ҳам етишиб келмоқда!

Хулоса

Хуллас, IBBY Бош ассамблеясининг янги аъзоси бўлган мамлакатимиз номидан халқаро тадбирларда муносиб иштирок этган ҳолда сафардошлар билан яна юрт сари ошдикки. Бунга сабаб — бир ҳамроҳим айтганидек, овқатлари кўп аччиқ экан. Иссиқ ҳароратли ҳавосида намлик юқори, теъдда толиқиб қолади одам. Аммо Малайзия ўзининг хусуси таровати билан барчамизни ҳайратларга солгани чин! Маълум ва машҳур эгизак бинолари, бир-бирига ўхшамас архитектура намуналари, одамларнинг эъзоз ва тақаллуфи, яшилликка бурканган бог-роғлари, океанариум манзилларида биз билан суратга тушишни "хуш кўрган" ақулаю дельфинлари, соя-салқин сайроғларга ярашиб турган китоб тоқчалари атрофидаги китобхон ёшлар... барча-барчаси бизда улкан таассурот қолдирди.

Шу зумда қўғлимдан бир орзу-сифат кечинма ўтди, уни айтмасам бўлмас: энди биз нафақат малайзияликларини, балки бутун башар аҳлини ўз адабиётимиз билан ҳайратга солайлик, алоҳим!

МУСИҚА БЎСТОНИ

САНЪАТСЕВАР ҚОРАҚАЛПОҚ ЁШЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Қорақалпоқ миллий санъати ҳар доим дунё халқларининг ҳайратига сазовор бўлган. Хусусан, бахшичилик ва жировчилик қорақалпоқ элининг ўзига хос кадриятлари сирасига кирди. Ушбу маънавий меросни ёшларга ўргатиш, уларни асл ҳолида сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказишда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали мўҳим ўрин тутайди. Президентимиз 2020 йил 2 октябрь куни Қорақалпоқстонга ташрифи чоғида Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиалини ташкил этиш тўғрисида тақдир қилган эди. Бу эса санъатсевар қорақалпоқ ёшларига катта имкониятлар эшигини очиб берди.



Талабаларнинг ҳў вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларга мотивация бериш мақсадида Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ артисти Муяссар Раъзоқова, Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ артисти Женисбек Пиязов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, дирижёр Ҳикмат

Ражапов, халқаро танловлар ғолибли ташкил этиш ҳамда уларга мотивация бериш мақсадида Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ артисти Муяссар Раъзоқова, Ўзбекистон ва Қорақалпоқiston халқ артисти Женисбек Пиязов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, дирижёр Ҳикмат

ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон классик му- сиқаси дурдоналари билан танишиш ва талаба ёшларнинг ўз устида кўпроқ ишлаши ва изланишига ёрдам беради. Шунингдек, Ўзбекистон давлат консер- ваториясидан контрабас, фагот, тром- бон, труба, туба, валторна, литавра сингари қолғу асбоблари ва беш юзга яқин ўқув адабиёти, ўн мингга яқин электрон китоб олиб келиниб, талаба ёшларнинг билим олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

— Устозларимиз берган билимларни яхши ўзлаштириб, келгусида танлаган соҳамизнинг етук мутахассиси бўлиш ният қилганмиз, — дейди талаба Моҳигул Гойипова. — Ёш опера ижро- чиларининг яқинда ўтказилган "Ёшлик баҳори" республика фестивалида ишти- рок этиб, иккинчи ўринни эгалладим. Бу келгуси фаолиятимиз янада катта ютуқларга эришишимга замин яратди. Қорақалпоқistonда консерватория ташкил этилиши истеъдодли ёшлари- мизнинг келажакда буюк устозлариниг муносиб ворислари бўлиб етишишига пойдевор бўлади.

— Олдимизга катта режа ва мақ- садлар қўйганмиз. Ҳозирги вақтда

филиалимиз учун зарур 300 ўринли ўқув биноси, 2 та концерт зали, 200 ўринли талабалар турар жойи ва спорт майдончасини қуриш бўйича 3 мил- лиард 717 миллион сўм ажратилмоқда, — дейди филиал директорининг маъ- навият ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Парахат Мамотов. — Шу билан бира, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қобилия- тини юзга чиқариш мақсадида таш- кил этилган халқ қолғулари ансамбли, халқ қолғулари оркестри ва симфоник оркестримизнинг шаҳар ва туманларда махсус концерт дастурларини ўтказ- ятимиз, улар халқаро ҳамда мамлакат миқёсидаги катта танлов ва фестивал- ларда муносиб иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, тараққийта маданият ва санъатсиз тасаввур қилди бўл- майди. Қорақалпоқistonда маъзур санъат даргоҳининг ташкил этили- ши айнан шу жиҳатлар билан ҳам аҳамиятли.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғамалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-960.
81594 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.
"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмуродов
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза яқини — 22:30 Топширилди — 22:45